ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР! • Пахта териш техникаси мавсумга ўз вақтида ва юқори сифатли тайёр бўлсин. • **Механик-ҳайдовчиларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилсин** • *Ғўзани намунали парвариш қилиб, мўл ҳосил тўплашга барча чоралар кўрилсин*

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 17 август 1969 йил, якшанба • № 191 (14.354). • Баҳоси 2 тийин.

ҲАММА ДАЛАДА

Республикамизнинг барча пахтакорлари сингари Қорақалпоғистон АССРдаги Жданов номли совхознинг ишчилари ҳам баҳорда юз берган об-ҳаво қийинчиликларини енгиш учун далаларда тер тўкиб меҳнат қилдилар. Хўжалик механизаторлари ғўза қатор ораларини дастлабки ишлашда ниҳолларнинг етилишини тўла эътиборга олдилар. Шу кунга қадар ғўзалар тўрт марта комплекс парвариш қилинди. Ҳозир экин қатор оралари бешинчи марта ишланмоқда. Механизаторлар тракторларнинг ҳамма иш органларидан фойдаланмоқдалар. Ғўза тупларини бир-бирига туташтириб кетган пайкаллардаги экин қатор ораларини юмшатишда тракторларга тўсиқлар ўрнатиб ишлатилаётир. Бу тўсиқлар культиватор тишларининг ғўза тупларини қирқиб кетишидан сақлаб қолаётир.

Хўжаликда агротехника тадбирлари бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда. Натижа кўнгилдагидек бўлмоқда. Экиннинг ўсиш ва ривожланишидаги кечикишнинг ўрни қопланай деб қолди. Ҳозирга қадар ҳар туп ғўза 5-6 талан тўқ кўсак тугди. Шона ва гуллар ҳам кўп. Совхоз ишчилари августда ҳар туп ғўзада 7-8 талан кўсак ҳосил қилиш учун астойдил курашмоқдалар. Улар ғўза парваришини то пахта очилгунча қизғин давом эттиришга қарор қилдилар.

Мўл ҳосил тақдири ғўзани шу кеча-кундузда қондириб суғоришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Совхоз ишчилари буни жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳам совхоз дирекцияси ғўзани суғориш учун энг яхши тажрибали сувчиларни ажратди. Суғориш группа усулида ўтказилаётир. Ҳар бир группага 6-8 сувчи биркитиб қўйилган. Раҳбар сувчи ўзига биркитилган далаларни доим айланиб юради.

Шу тариқа совхозда оз сув билан кўп майдондаги ғўзанинг қониб сув ичишига эришилмоқда.

Совхозда моҳир сувчилар кўп. Ж. Арзиев, А. Бекмуродов, Ш. Сафаров, Е. Латипов, А. Кунназаров, С. Нурабдуллаев ва бошқалар кўп йиллардан буён сувчилик қиладилар. Улар ғўзани қачон ва қандай суғориш кераклигини жуда яхши биладилар. Тупроқнинг сув сингдириш қобилиятига қараб оз-кўп тарайдилар. Бу уста сувчилар кўпроқ ғўзани кечалари суғорадилар. Бир томчи сувнинг ҳам исроф қилинишига йўл қўймайдилар. Ўқ ариқлардан эгатларга сувни жилдиратиб оқизадилар. Сув қарталарни текис ювламоқда ва тупроққа чўкур сингмоқда. Натижада ҳосил кўпаймоқда, кўсаклар тўлишаётир.

Ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантириш совхознинг ҳамма бўлим ва бригадаларида июль ойи охирларида тўхтатилди. Бунинг ўрнига шу кунларда «шарбат» оқизилмоқда. Бу иш суғориш билан бир вақтнинг ўзида ўтказилаётир. Ғўзани озиқлантиришда чиритилган гўнгдан ҳам фойдаланилмоқда. Ғўза қатор ораларини икки томонлама ишлаш вақтида тракторга ўғитлагичлар тиркалиб, чиринди маълум чуқурликка ташлаб кетилаётир. Бунинг натижасида тупроқнинг кучигакуч қўшилмоқда. Гуллар кўпроқ кўсакка айланмоқда. Совхоз механизаторларидан С. Дадабоев, У. Ережаков, С. Содиқов, А. Жигаров, Ж. Қутлиев ўртоқлар экин қатор ораларини юмшатиш вақтида озиқлантириб кетаётган майдонлардаги ҳосил чўғи айниқса яхши.

Бу йил совхоз ғўзаларида қарадрина пайдо бўлди. Ғўзалар химиявий усулда дорилэниб, ҳашарот ўз вақтида қириб ташланаётир. Химизаторларнинг хушёрлиги, уларнинг маҳорат кўрсатиб ишлаётганлиги гўфайли ҳосил душмани деярли қолмади. Аммо профилактик тадбирлар тўхтаб қолгани йўқ. Қўк қурт, кўсак қурти, шира ва бошқа зараркунандаларнинг бўлмаслиги учун зарур чоралар кўрилмоқда.

Совхоз ишчиларининг бу йилги марраси ҳар йилдагидан улкан. Улар беш йилликнинг тўртинчи йилида 2800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштиришга, давлатга 5750 тонна пахта топшириш ваъда қилишган. Е. Турдиқулов, Б. Фахритдинов, У. Утемишев, Б. Полвониёзов ўртоқлар бошчилик қилаётган бўлим ва бригадаларнинг ишчилари гектаридан 30 центнердан хирмон кўтаришга сўз беришган.

Хўжалик пахтакорлари ана шу юксак мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайдиган даражада ҳосил етиштириш учун ҳар туп ғўзани ардоқлаб парвариш қилмоқдалар. Ҳамма далада. Уларнинг астойдил меҳнати яхши самара беряпти. Қатор ораларни яхши ишланаётган ва чўқур юмшатилаётган, қониб сув ичаётган далаларда ғўзалар ҳар куни яшнаяпти.

А. РАҲИМОВ,
Р. ЕШИМБЕТОВ.
«Совет Ўзбекистони» мах сус мухбирлари.
Нукус райони.

ЭРТАГА—СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИНИ Граждан ва Ҳарбий авиациясининг учувчилари меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқда-лар. Суратда: энг яхши ҳарбий учувчилардан бири капитан Е. Гапон. Иккинчи суратда «Ил-14» самолётининг экипаж аъзолари (чапдан) Г. Файзуллаев, У. Мавлонов ва Ш. Каримов навбатдаги учишга ҳозирлик кўришмоқда.

В. Дубровченко ва Р. Жуманиёзов фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Аҳолини ҳарбий—ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида актив иш олиб борганлиги, республиканинг жамоат ҳаётида иштирок қилганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети президиумининг фармонига биноан, Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий советининг аъзоси, снёсий бошқармасининг бошлиғи Александр Васильевич Дебалюк Ўзбекистон ССР Олий Совети президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Республика сув хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари Соломон Ильич **Мерименский** Ўзбекистон ССР Олий Совети президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВГА БАЙРОҚ

Фарғона «Облколхозстрой» трести коллективи СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг Кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди. Коллектив бу мукофотга шу йилнинг иккинчи кварталида қишлоқ бинокорларининг Бутииттифоқ социалистик мусобақасида галаба қозонишини таъминлаган гоят яхши иши учун сазовор бўлди. (ЎзТАГ).

ДУГОНАЛАР, МАШИНА РУЛИГА!

Машиналардан пахтачиликда йил сайин кенг фойдаланилаётганлиги ҳақиқий мўъжиза бўлди десак сира хато қилмаймиз. Ҳар йили терим мавсумида пўлат этаклардан оқиб тушаётган «оқ олтин» булоқлари минглаб колхозчилар ва совхоз ишчиларининг мушкулини осон қиляпти, терим мавсумининг муддатини қисқартиряпти, деҳконларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қиляпти.

Ўтган йили Сурхондарё областининг пахтазорларида 2000 га яқин «зангори кема» жавлон уриб, 130 минг тоннадан ортиқ пахта бункерларан тўкилди. Область механизаторлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, бу йил камида 150 минг тонна пахтани машиналар билан териш ҳақида ваъда бердилар.

Область комсомол-ёшлари, хусусан хотин-қизлар машина теримини ўз гарданларига олишга қасор қилганликлари айниқса қувончлидир. Бу ажойиб ташаббусга биринчи бўлиб Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхозининг ватанпараар ёшлари қўшилдилар. Колхоз комсомол комитетининг ташаббуси билан бу ерда механик-ҳайдовчилар тайёрлайдиган курс очилиб, унда 35 йигит-қиз таълим олмоқда. Улардан 10 киши қизлардир. Шунингдек, «Янги рўзғор» «Ленинизм» Охунбобоев номли колхозларнинг ўнлаб қизлари ҳам механик-ҳайдовчилик касбини эгаллашга бел боғладилар. Сўнгги олти ойда улар малакали ва тажрибали ўқитувчи-механизаторлар ёрдамида механик-ҳайдовчилик касбини эгаллаб олдилар. Бу қизларнинг кўпчилиги мавсумда 100-150 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олдилар.

Энди мен ўзим ҳақимда икки оғиз гапирмоқчиман. 1961 йилда Денов районидаги Хайрабод қишлоғида ташкил этилган механизация билим юртини тугатиб, Шеробод районидаги «Янгиобод» совхозига келган эдим. Бу ерда «зангори кема»ни бошқаришни ўқдан ўрганиб олдим ва йилдан-йилга малакамни ошириб бордим.

Мен ўзимнинг назарий ва амалий билимларимни тинмай ошириб боришга қатъий қарор берганман. Ўтган йили Самарқанддаги механизация техникумини сиртдан ўқиб тугатдим ва бултур тўрт қаторли «Ўзбекистон» агрегати билан 360 тонна пахта териб бердим. Партия ва ҳукуматимиз менинг хизматларимни юксак тақдирлаб, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотладилар. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми менга Республикада хизмат кўрсатган механизатор деган юксак унвон берди. Меҳнаткашлар менга юксак ишонч билдиришиб, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлигига сайлашди.

Мен бу гоят катта ҳурмат ва ишончга яраша меҳнат қилишни ўзимнинг мукаддас бурчим деб биламан. Бу йилги мавсумда «Ўзбекистон» терим агрегати бункеридан 400 тонна «оқ олтин»ни тўкишга сўз бераман. Сурхон диёридаги барча тенгдош дугоналаримни, олов қалбли қизларни механик-ҳайдовчилик касбини эгаллашга, «зангори кема» рулига ўтиришга чақираман.

Қадрли дугоналар! Мана, олтин куз ҳам яқинлашиб қолди. Куз билан бирга терим мавсуми ҳам кун сайин яқинлашиб келяпти. Биз механик-ҳайдовчилар ана шу долзарб, шиддатли кунларга тахт бўлиб ва шайланиб турмоғимиз даркор. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг яқинда қабул қилган «Республика колхоз, совхозларини, тайёрлов пунктларини 1969 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга ҳозирлаш ҳақидаги»ги карори барча пахтакорларни, шу жумладан биз механизаторларни ҳам бу масъулиятли кампанияни ҳар томонлама пухта ҳозирлик билан кутиб олишга даъват этади.

Ҳозирги вазифа — мўл ҳосил тўплаш ишини жадал давом эттирган ҳолда, йиғим-теримни тез ва соз ўтказиш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни белгилаб чиқишдан, машиналар ремонтини тез кунда тугаллашдан, йўл-кўприкларни, тош-тарозиларни, ҳамда транспорт воситаларини олдиндан тайёрлаб қўйишдан иборат. Машина терими ўтказиладиган майдонларни яна бир марта обдан ва синчиқлаб кўздан кечирмоқ даркор.

Механизаторлик — бу гоят фахрли касб. Биз терим агрегатларини пахта далаларида йиғитлардек бошқариш ва улар билан ҳар куни тонна-тонна пахта теришга ваъда берамиз! Қани, дугоналар, машина теримига шайланинг!

Светлана ПРОДАН,
Сурхондарё область, Гагарин районидаги «Янгиобод» совхозининг механик-ҳайдовчиси, Республикада хизмат кўрсатган механизатор, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

Қишлоқ хўжалик артелининг янги намунали уставини ишлаб чиқувчи ва колхозчиларнинг учинчи Бутииттифоқ съездига тайёргарлик кўрувчи комиссияда

Қишлоқ хўжалик артелининг янги намунали устави лойиҳасини ишлаб чиқувчи ва колхозчиларнинг учинчи Бутииттифоқ съездига тайёргарлик кўрувчи комиссия колхозчиларнинг учинчи Бутииттифоқ съездига делегатлар сайловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлади. РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Узбекистон ССР ва Қозоғистон ССРда Бутииттифоқ съездига делегатлар колхозчиларнинг область, ўлка ва автоном республика конференцияларида, Грузия ССР, Озарбайжон ССР, Литва ССР, Молдавия ССР, Латвия ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Арманистон ССР Туркманистон ССР ва Эстония ССРда эса колхозчиларнинг республика съездларида сайланади. Низомда Бутииттифоқ съездига вакиллар сайлаш нормаси белгиланди. Колхоз аъзоларининг ҳар 7 минг аъзосидан бир делегат сайланади.

Колхозчиларнинг республика съездлари, округ, автоном республикалар, ўлка ва область конференциялари ва колхоз вакилларининг район йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун комиссиялар тузилади. Шу комиссиялар сайлов тартибини ва вакиллик нормаларини белгилайдилар.

Колхоз аъзолари колхозчиларнинг округ, область, ўлка, АССР конференцияларига, республика съездларига ва Бутииттифоқ съездига делегат қилиб сайланадилар.

Колхозлар вакилларининг район йиғилишларини, колхозчиларнинг округ, область, ўлка ва АССР конференцияларини ҳамда иттифоқдош республикалар колхозчиларнинг съездларини 1969 йил сентябрь — ноябрь ойининг биринчи ярмида ўтказиш тавсия қилинди.

ЮЛДУЗЛАРАРО РЕЙСЛАР ҒРАФИК АСОСИГА ҚУРИЛАДИ

«Зонд-7» станциясининг учишига доир

ТАССНИНГ ИЛМИЙ ОБЗОРИ

* * *

«Зонд-5» совет автомат станцияси бултур планеталараро фазодан ерга қайтиб тушган эди. Ушанга қадар ҳеч бир аппарат фазодан қайтиб тушган эмас. «Зонд-5» совет автомат станцияси планеталараро фазодан Ерга қайтариб туширилганлиги билан космосни ўзлаштириш тарихида янги саҳифа бошланди. Коинотдаги бошқа дунёларни тадқиқ қилиш натижалари Ерга қайтиб келтириладиган ва олимларнинг лабораторияларида ҳар томонлама ўрганиладиган бўлиб қолди. Орадан икки ой ўтгач «Зонд-6» автоматик станцияси Ой атрофини учиб ўтиб ва бошқарилган ҳолда Ер юзасига қўндирилиб, «Зонд-5» автоматик станцияси туфайли қўлга киритилган жуда катта техникавий ютуқни ривожлантирди.

Эндиликда биз мана шу жуда муҳим аппаратлар туркумидан бўлган навбатдаги «Зонд-7» аппарати қилган янги рейснинг шоҳиди бўлдик.

Шу тарихга тадқиқот станцияларининг Ойга учишлари мунтазам ва изчил тус олмоқда, бу учишлар Ер атрофидаги орбита бўйлаб учаётган «Космос» туркумидаги йўлдошларнинг муайян мақсадини кўзлаб мунтазамлик билан бажараётган ишини эслатмоқда.

Илмий жамоатчилик «Зонд» носини аппаратлари Ер—Ой—Ер трассасидаги физик вазиятни ҳар томонлама ўрганишнинг истиқболи жуда катта метод эканлигини дарров билиб олди. Аммо шу туркумдаги аппаратларнинг охиргилари ўзининг сафари вақтида олган бутун бебаҳо экспериментал ва фотографик материалларни «Ерга олиб тушиш» қобилияти ҳаммаларни асосий эътиборини жалб қилди. Бу ажойиб техникавий вазифа ҳал этилмаганида эди, одамнинг Ойни ўзлаштириш йўлида янги қадамлар қўйиши асло мумкин бўлмай қолур эди.

Италиядаги «Унита» газетаси бундай деб ёзди:

— Ер билан Ой ўртасига кўприк солинибгина қолинмасдан, бу кўприк узил-кесил синовдан ҳам ўтди. «Зонд-6» синовчи инженер ролини бажариб, кеча Ерга қайтиб тушди. У сувга қўндирилгани йўқ, балки СССРнинг белгиланган нуқтасига равонгина қўнди. Атмосферага кетма-кет «шўнгиш» системасидан ҳамда туширилaдиган аппаратнинг такомиллаштирилган янги ишончли ва аниқ механизмидан фойдаланиб, деб таъкидлади «Унита» газетаси. «Зонд-6» автомат станцияси «Зонд-5»нинг яқиндагина қилган ажойиб шижоатини такрорлаб ўтирмади, Ер атмосферасининг ёндирадиган қатламларига кўпрак кириб дуч келмади, бу қатламларни айланиб ўтиб, орқа томондан кириб келди, ўзи учун ўнгайроқ аэродинамик позицияни эгаллади».

Сўзимизнинг исботи учун космик фазони ўзлаштиришнинг тагин ҳам аввалроқдаги босқичида бўлган худди ана шундай ҳолатни эслатиб ўтамиз. Космик кемани орбитадан Ерга қайтариб туширишнинг энг асосий қийинчиликларининг бири эди. 1961 йилга қадар бу қийинчилик бартараф қилинмаганда эди, одамни умуман космосга жўнатишнинг имкони бўлмас эди.

Планеталараро фазони тадқиқ қилишнинг ва такомиллаштирилган ҳар хил борт системаларини синаб намолга етказишнинг гоят кенг назарий ва амалий вазифаларини ҳал қилиб бера оладиган янги типдаги автомат станциялар «космик майдонда» биринчи бор пайдо бўлгандан бери шу дамгача беш йилдан кўпроқ вақт ўтди. Масалан, 1964 йилдаёқ «Зонд-2» автомат станцияси учирилганида унга ўрнатилган плазмали электр реактив двигателлар синаб кўрилди, бу двигателлардан ориентация системаси учун бошқарув органлари сифатида фойдаланилди. Бу эксперимент плазмали двигатель конструкцияси космик фазо шароитида ишлай оладиган конструкция эканлиги амалда исбот қилинди.

Олис космик фазода илмий тадқиқотлар ўтказиш учун 1965 йил 18 июлда «Зонд-3» автомат станцияси учирилди. Станцияни учириш учун атайин шу кун танлаб олинганлигининг сабаби шуки, станция Ой ёнидан ўтиб бораётганида Ойнинг кўринмайдиган қисмини, яъни орқа томонини фотоаппарат билан йўлакай суратга олиши учун шу вақт қулай эди. Чунки, 1959 йилда Ой орқа томонининг шу қисми («Луна-3» станцияси томонидан) суратга олинжай қолган эди.

Умуман «Зонд» туркумидаги аппаратлар фотографиялар билан суратга олиш ишини жуда муваффақиятли бажармоқда. «Зонд-5» автомат станцияси Ойни айланиб учиб ўтиб қайтиб келаётганида, шу станцияда ўрнатилган аппарат фотоаппарат билан йўлакай Ерчинг сурати олинганлигини ва бу ажойиб сурат газеталарда босилиб чиққанлигини эслаб кўринг. 90.000 километр баландлиндан туриб олинган бу сурат ниҳоят даражада аниқ чиққан.

«Зонд-4», «Зонд-5», «Зонд-6», ва «Зонд-7» автомат станцияларини учириш программасида космонавтиканинг принципиал янги вазифаларини ҳал қилиш кўзда тутилганлигини ҳам айтиб ўтиш керак.

«Зонд» станцияларининг ҳар бири билан ўтказилган янги эксперимент космосни тадқиқ қилишга катта хисса қўшади.

Ер—Ой—Ер трассаси бўйлаб бундан беш йил муқаддам Совет «Зонд» автомат станциялари бошлаб берган ишлар техника тараққиётининг ҳозирги чундаги нишоналаридан бири бўлиб қолди.

(ТАСС).

Тошкент чинни заводи коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига улуғ доҳийнинг сурати тушириллган бирбиридан гўзал совға вазалари тайёрламоқда. Суратда: ижрочи рассом Н. Муратова иш устида. Н. Глауберзон фотоси.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ ЛЕНИННОМАСИ

Тожиддин Сейтжоновнинг Нукуса нашр этилган янги шеърлар тўплами «Ленин менинг қалбимда» деб аталади. Қорақалпоғистон АССР ёзувчилар союзида ЎзТАГ мухбирига қуйидагиларни айтишди: Леннинномага ана шу китоб ҳам киритилди. Леннинномани тайёрлашда қорақалпоқ адабиётининг Тлевберген Жумамуратов, Содиқ Нурумбетов каби оқсоқоллари билан бир қаторда талантли ёшлар ҳам фаол қатнашмоқдалар, Ўлмамбет Хўжана заров, Шаудербой Сейтов, Кенесбай Раҳмановларнинг Ильичга бағишланган янги асарлари босмадан чиқди.

Ёзувчилар союзи правлениеси ёзувчиларнинг Ленин қадам қўйган жойларга сафарини уюштирди. Адибларнинг ана шу сафари Ленин юбилейига бағишланган ижодий планларини самарали амалга оширишларига ёрдам беради.

Айтбой Бекимбетовнинг колхоз қурилишига бағишланган «Ажойиб авлод» романи, Караматдин Султоновнинг балиқчилар тўғрисидаги «Оқ дарё» романи Иўлмирза Оймирзаевнинг қорақалпоқ знёлиларининг вужудга келишига бағишланган «Етимнинг юраги» повести пролетар революцияси доҳийсининг яқинлашиб қолган юз йиллиги юбилейига муносиб тухфадир.

ҚИСҚА САТРЛАР

ҚАРШИ. Чироқчи район марказида замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган янги поликлиника, шунингдек «Москва» колхозининг Халқобод қишлоғида икки қаватли, 320 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

С. ЕРМАТОВ.

* * *

ТОШКЕНТ. «Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳузурида ташкил қилинган ишчи-деҳқон мухбирлари халқ университетини 30 дан зиёд ёш қаламкаш битириб чиқди.

Ҳ. САМАТОВ.

* * *

КЕГАЙЛИ. Район маркази билан Энгельс номли пахтачилик колхозига борадиган 11 километрли йўлга асфальт ётқизилди.

Самарқанд область, Каттақўрғон шаҳар нон заводининг илғор ишчиси комсомол аъзоси Олия Қодирова смена топшириқларини доимо 130-140 процент бажармоқда. Суратда: О. Қодирова. А. Тўраев фотоси.

◆

Олмалиқ мис эритиш заводининг комсомоллари қутлуғ сана — В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашмоқдалар. Суратда: электр цехининг слесари С. Абдурахмонов иш устида.

Б. Холмирзаев фотоси.

САВДО ХОДИМЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Савдо ходимлари ўртасида олиб борилаётган оммавий ва маданий-тарбиявий иш тажрибалари Тошкентда ўз ишини тамомлаган республика семинар-кенгашининг диққат марказида турди. Семинар-кенгашда Ўзбекистон давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ходимлари касаба союзининг активлари қатнашди.

Докладлар ва музокараларда касаба союзлари маданий оқартув муассасаларининг иш тажрибаси умумлаштирилди.

Кенгаш қатнашчилари Ленин юбилейига тайёргарликни янада кучайтиришга қаратилган янги тадбирлар билан танишдилар.

Савдо министрлиги коллегияси, «Ўзбекиттрлашув» правлениеси ва республика касаба союзи комитети «Ленин юбилейи китоби»таъсис этдилар. Ёшларнинг назарий конференцияларини ўтказиш мўлжалланган қўйилди. Ҳамма жойда совет савдоси халқ университетлари ташкил этилади.

(ЎзТАГ).

ЯНА БИР ТИКУВЧИЛИК ФАБРИКАСИ

ФАРҒОНА (ЎзТАГ). Бу ерда тикувчилик фабрикаси қурила бошланди. Бу фабрика ҳар йили бир ярим миллион сўмлик эркаклар кўйлаги, болалар костюмлари, хотин-қизлар кўйлаклари ва бошқа буюмлар етказиб беради. Корхона ўзининг биринчи маҳсулотини В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги арафасида ишлаб чиқаради.

Келгуси йилнинг биринчи кварталида Тошлоқда тикувчилик фабрикаси ва Қўқонда миллий-бадиий буюмлар тайёрлайдиган корхона ишга туширилади.

Фан оламида

КОМЕТАНИНГ МОДЕЛИ

● КОМЕТАЛАР НЕГА ЙУҚ БЎЛИБ КЕТМОҚДА!
● МУЗ ҚАЧОН БУҒЛАНАДИ!
● «КРИСТАЛЛ» СИРНИ ОЧАДИ

◆ ◆ ◆

Ҳозирги вақтда салкам 900 комета борлиги қайд қилинган. Шундай бўлсада вақт-бевақт кашфиётчи астрономлар жаҳондаги ҳамкасбларига: «Янги комета топилди... координаталари... кузатиб боришингизни сўраймиз!» деган шошилинч хабарлар бериб туради. Телескоплар ёнида навбатчилик қилаётганлар шундай хабардан сўнг ўз ишларини йиғиштириб қўйиб, айтилган ўша кометани излашга киришиб кетадилар.

Ҳар бир янги кометага уни биринчи бўлиб топган кишининг номи берилиши одат бўлиб қолган. Олимлар биринчи бўлиб, галлей номини кометага қўйганлар, у 1758 йилда катта комета пайдо бўлишини башорат қилган эди. Шундан бери ҳар 76 йилда галлей кометаси қуёшга яқинлашиб, навбатдаги оптик «спектакл» кўрсатади ва яна космос қаърида ғарқ бўлади.

Олимлар кометани етарлича яхши татбиқ этдилар. Бу осмон жисмлари қуёш системасининг тенг ҳуқуқли аъзолари эканлиги аниқланди. Планеталар каби кометалар ҳам кундузги ёритгич — қуёш теварагида айланади. Аммо уларнинг орбиталари баъзан шу қадар чўзиқ бўладики, улар минг йилда, баъзан эса миллион йилда бир марта қуёшга яқинлашиб келади. Фақат озгина комета группаси қуёшдан бор-йўғи 3-10 йил узоқлашади. Лекин шундай жисмларда 64 таси яна космик чангга айланиб, ўз ҳаётини тўхтатди.

Астрономларнинг аниқлашларига кўра кометалар ядроси муз аралашмаси ва қаттиқ заррачалардан иборат. Комета қуёшга яқинлашиб келар экан унга жазирама нурлар таъсир кўрсата бошлайди. Зўрайиб борувчи буғланиш жараёни содир бўлади.

Кометанинг марказий маҳзи теварагида буғ, газ ва зарралардан иборат булут — «боши» билан қуёш ёруғлигининг босими буғланган материянн иткитиб юборувчи жойи — «думи» кўзга кўринади. Ҳатто энг катта комета маҳзинининг диаметри бор йўғи 50 километр бўлганлигидан қуёш атрофи фазосида унинг «боши» неча юз минг ва ҳатто миллион-миллион километрларга чўзилиб боради. Масалан 1811 йилда кузатилган кометанинг думи ҳатто ердан қуёшгача бўлган масофадан салкам 150 миллион километр ошиб кетган. Аммо олимлар бу қадар «чиройли» манзарани «оптик йўқлик» деб атайдилар. Чунки кометанинг боши билан думидаги модда зичлиги назарга илмас даражада оздир. Башарти Москвадаги Большой театр залида кукунга айлантирилган буғдой донининг миллиондан бир улуши сочиладиган бўлса ана шу кукун зичлиги комета газларининг тўйинганлигига барабар бўлади.

Кометалар ўзига хос космик зондлар ролини ўйнаши мумкин. Уларнинг боши ва айниқса думи космос ташқи шароитларининг ўзгаришига ғоят сезгирдир. Комета газларининг шакли, катталиги ва спектрини кузатиш натижасида қуёш системасининг ҳозирча ракеталар етиб бормайдигач участкалари тўғрисида бирон фикр айтиш мумкин. Тўғри, бунинг учун бирон космик вазиятни вужудга келтира билиш, сунъий «комета» ҳосил қила билиш керак.

Академик Б. П. Константинов раҳбарлигидаги ленинградлик физиклар фан тарихида биринчи марта лаборатория шароитларида комета ҳодисаларини вужудга келтирмоқчи бўлиб муваффақиятли ишлаб кўрдилар. СССР Фанлар академиясининг физика техника институтида «кристал» экспериментал установкаси қурилди. Чўғроқ камерада космик шароитлардагига ғоят ўхшаш физик шароитларга: паст температура ва ҳавосиз бўшлиқ вужудга келтирилади. Бунда хатто гелий газ ҳам суюқ ҳолатга айланади. Қуёшдаги ҳамма спектрни берувчи кучли лампа кундузги ёритгич ўрнини боскди. Лампанинг фокусланган ёруғлик ва иссиқлик оқими камеранинг кварц туйнуги орқали «кометанинг сунъий маҳзига туширилади. Олимлар космосда содир бўлувчи нозик физик процессларни узоқ вақт мобайнида ўргандилар. Шу тахлитда кометаларга хос барча ҳодисаларни тўла-тўкис вужудга келтиришга муваффақ бўлинди.

Ленинградлик физиклар музлаган сувдан тортиб турли «космик» газларнинг аралашмаларигача ғоят хилма хил «музларни» синаб кўрдилар. Шундан маълум бўлишича, космос шароитларидаги муз нур таъсирида суюқ ҳолатга айланиш босқичини ўтлаб ўтиб, буғга айланар экан. Бунда космик чангдаги қаттиқ зарралар муз жисми бетида юмшоқ, тоғак қийин эрувчи қатлам ҳосил қилиб, шу қатлам иссиқлиқнинг муз жисмига ўтиб боришига тўсқинлик қилади. Қуёш таъсири остида бояги парда зарралари комета бетидан кетгач, реактив тортиш кучи вужудга келади ва у комета жисмини ўз йўқ товарагида айлантиради». Шу нарса комета бетининг янада равон қизишига ёрдам беради, бу билан унинг бузилиб кетишидан сақлайди. Шунинг учун ҳам комета маҳзининг ички температураси хатто қуёшга яқин келган вазиятда ҳам салкам ҳисоби билан минус 80 градусни ташкил этади.

Кометалар кундузги ёритгич билан биринчи учрашувидан кейинок нима учун эриб йўқолиб кетмаслиги тўғрисидаги ғоят сирли ҳодисалардан бирига шу тахлитда жавоб қайтарилди.

Вақти келиб, космосни татбиқ этишда кометалардан бепул транспорт воситаси сифатида фойдаланиш мумкин бўлиб қолади. Комета ерга яқинлашиб келганида ракета воситасида аппаратларни унинг бетига бемалол чиқариб қўйиш мумкин. Кейинчалик комета ер орбитаси чегараларидан анча узоққа чиқувчи ўз траекторияси бўйлаб ҳаракат қилганида автомат асбобларни қуёш системасиничг олис чеккаларигача элтиши мумкин. Комета ҳодисаларини татбиқ этишда ленинградлик физиклар муваффақият билан бошлаган янги боб хали кўп кашфиётлар ва кутилмаган янгиликлар келтирадиган кўринади. СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги «физика» павильонида улар олиб борган лаборатория тадқиқотларининг дастлабки натижалари билан танишиш мумкин. «Кристалл» тадқиқот установкаси бу ерда биринчи марта намойиш қилинмоқда.

Д. ДМИТРИЕВ.
(ТАСС мухбири).

Москва.

МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

ЕМ-ХАШАК ДЕЙДИЛАР-У...

Сурхондарё область партия комитети хабар қилади: «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1969 йил 30 июль сонида босилган «Ем-хашак дейдилар-у...» «сарлавҳали танқидий мақолада Сурхондарё областининг айрим районлари, новхозлари ва совхозларида чорва моллари учун ем-хашак тайёрлаш қочирарсиз бораётгани жуда тўғри кўрсатилган. Мақола область партия комитетида район партия комитетларининг биринчи секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, область қишлоқ хўжалик органлари раҳбар ходимлари ва мутахассислари иштирокида ўтказилган йиғилишда муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область ва район қишлоқ хўжалик органлари раҳбарларидан ем-хашак тайёрлаш юзасидан белгиланган графикнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш талаб қилинди.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Бугун Москвада қон қуйиш проблемалари бўйича Халқаро XII конгресс иш бошлайди. Медик олимларнинг бу йиғини бир ҳафта давом этади. Унда Ўзбекистонлик мутахассислар ҳам қатнашиб, бу соҳада ўзлари олиб борган тадқиқотлар ҳақида ахборот берадилар.

Мухбиримиз конгресснинг мақсади ва аҳамияти ҳақида гапириб беришни илтимос қилиб, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари, Н. Маҳмудовага мурожаат этди.

— Трансфузиолог ва гематолог олимларнинг бу халқаро конгресси учун мўлжалланган программа медицина фанининг деярли ҳамма соҳаларига алоқадор бўлган масалаларни қамраб олган. Шунинг учун ҳам бутун дунё медицина жамоатчилиги Москва конгрессига алоҳида қизиқиш билан қарамоқда.

Конгресс медицина фанини янада юксалтиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши билан бирга, айни пайтда у бутун дунё медицина ходимларининг тинчлик, инсоният бахти йўлидаги ҳамкорликларини яна бир бор намойиш этади. Конгрессда 51 мамлакатнинг вакиллари қатнашади. СССР, Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Румния, Чехословакия, Югославия, Австрия, Буюк Британия, Франция, Канада, АҚШ, Финляндия, Япония ва бошқа мамлакатлар шулар жумласидандир.

Конгрессга тайёргарлик кўриш ишларида мамлакатимиздаги ҳамма қон қуйиш хизмати коллективлари актив қатнашдилар. Бу йиғинда трансфузиология ва гематологиянинг энг муҳим проблемалари атрофлича муҳокама қилинади. Конгресс давомида 500 дан ортиқ доклад ва ахборотлар тингланиши мўлжалланмоқда. Бу докладларда қондан оптимал фойдаланиш, қон хўжайраларини узоқ вақт сақлаб қолиш йўлларини топиш, қон ва қон ўрнини босувчи препаратлар, қон қуйишнинг иммунобиологик томонлари, аъзо ва тўқималарни бошқа организмга ўрнатиш сингари актуал масалалар асосий мавзу қилиб олинган.

Конгресснинг икки йиғилиши эса донорлик масалаларига бағишланади.

Конгрессда Ўзбекистондан 35 делегат ва 20 меҳмон қатнашади. Н. Давронова, Г. С. Левин, Ҳ. Ҳакимов ва бошқа олимларимиз конгресс минбаридан туриб, республикамиз трансфузиолог ва гематологлари эришган ютуқлар ҳақида гапириб берадилар.

Халқаро конгресс ер юзидаги ҳамма мамлакат олимларининг дўстона ҳамкорлигини, медицина фанининг инсон саҳат-саломатлиги йўлидаги тинимсиз курашини намойиш этади, бутун дунё гематолог ва трансфузиолог олимларининг тадқиқот ишларини умумлаштириш имкониятларини очиб беради.

АБАДИЙ МАШЪАЛ

Ш. ХМЕЛИДЗЕ.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ҚАҲРАМОНЛАРИ ИЗИДАН

Баҳаво. Қўмқўк майсалар билан қопланган тепаликка ўрнатилган гранит ҳайкал ёнида бугун одамлар гавжум. Улар анча кексайган, ёноқлари чиқиб турган, қийғоч кўзли кишига меҳр билан боқишади. Бутун сиймоси билан шарқликлига мана мен деб турган киши тошга ўйиб ёзилган сўзлардан кўз узмасди. Уларнинг ҳаммасини ёддан билса ҳам, узоқ жудоликдан кейин бир-бири билан топишиб, дийдорларига тўйиш учун боқкандек, ҳар бир фамилияга диққат билан қарарди.

«Бу ерда, 144-тепаликда немис-фашист босқинчиларига қарши курашда қўйидаги ўртоқлар қаҳрамонона жасорат кўрсатган эдилар:

Ахметгалин Х. Р., Сироежкин П. К., Шнураков М. Е., Ашмаров Ф. И., Тайгараев Т., Чернов М. С., Шакуров Я. С., Уразов Ч., Абдуллаев У., Андронов В. А.

СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил, 24 мартдаги Фармонига биноан уларга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди».

Бу ерда унинг дўстлари дафн этилган. Бу ерда унинг ўзи. Ўрин Абдуллаев ҳам дафн этилган...

1944 йилнинг ёзи. Совет Армияси бутун фронт бўйлаб душманни таъқиб қилиб бормоқда. Болтиқ бўйида қўшинларимиз фашистларни Рига қўлтиғи соҳилларига қисиб борарди. Гитлернинг бўйруғига кўра. «Шимол» армиялари группаси нима қилиб бўлса ҳам Шарқий Пруссия чегараларига олиб чиқадиган йўлларни тўсиб туриши керак эди.

Июлнинг жазирма кунларида Сунуплява қишлоғи даҳшатли жангнинг энг қизиган ўчоғига айланганди. Олдинда ҳаракат қилаётган 3-зарбдор армиямиз 219-Идрица дивизиясининг разведкаси бундай деб хабар берди: Дивизия кетаётган йўлда Сунуплявадан икки километр нарида — Рунден қишлоғида немислар кучланмоқда. Душманнинг чекинишини ўт билан ҳимоя қилиб турган тўплар ўрнатилган жойларни аниқлаш, фронтнинг шу участкасида планли асосда чекиниш учун фашистларга имкон бермаслик керак эди. Белгиланган операцияни бажариш билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни штабдагилар яхши билишарди. Тунда старший сержант Ҳаким Ахмедгалинни рота командири ҳузурига чақиришди. У ертўлага киргач дивизия командири жанговар вазифа қўйди.

— Бўлинма жангчилари билан фронт чизигини кесиб ўтасиз, 144-тепаликда бекиниб олиб, артиллериямизнинг чекинаётган душман группаларига қарата очадиган ўтини сигнал орқали кузатиб турасиз, Рунден қишлоғида немис қўшинлари ва техникасининг тўпланаётганлиги ҳақида хабар бериб турасиз.

Бўлажак операциянинг ҳамма ишир-чиқирлари аниқлаб олинди. Лекин дивизия командири нима учунгир индамай турарди. У ёш, хушбичим йигитга оталарча мулойимлик билан тикилиб турарди. Эндигина йигирмага кирган бу йигит ҳозирданоқ «Шуҳрат» ордени-нинг кавалери, қўмондонликнинг топшириғини ўн етти марта ўрнига қўйиб бажарган. Донни кечиб ўтган, Яродор саниинструктор Алла Садовскаяни жанг майдонидан олиб чиққан ҳам мана шу Ҳаким бўлади. Жуда хатарли топшириқни бажариш учун бугун биринчи бўлиб йўл оладиган ҳам мана шу йигит. Командир Ҳакимнинг олдига келди-да, уни маҳкам қучоқлади:

— Оқ йўл, ўглим!...

...Ҳаким Ахмедгалин қўмондонлигидаги разведкачилар бўлинмаси фронт чизигини кесиб ўтиб, яширинча Савино қишлоғига кириб олдилар. Бу ердан Сунуплявага бир сакраб ўтса бўлади. Лекин кесиб ўтиладиган йўлдан ғарбга томон гитлерчилар колоннаси тўхтовсиз ўтиб турибди. Ниҳоят тонгда машиналар овози тинди. Разведкачилар йўлни кесиб ўтдилар. Қалин ўрмон уларни ўз бағрига яшириди... Улар 144-тепалик этагига келганда тонг ёришди. Энди сўнгги бир неча ўн метрдан ўтиб олиш, тепаликнинг одам юриши қийин бўлган сўқмоғидан бир амаллаб ўтиб, яшириниб олиш керак.

Разведкачилар бирин-кетин тепаликка ўрмалаб чиқишаётганларида улардан бири ўт-ўланлар ичига яширинган траншеяни кўриб қолди. Тепаликка олиб чиқадиган йўлни кўриклаб турган немис пулеметчисининг боши кўринди. Шу вақт бўйдор немисга энг яқин турган оддий солдат Ўрин Абдуллаев эди. Немис қадам товушини эшитиб, жонсарак бўлиб қолди... Бир зум улар бир-бирига тикилиб қолишди. Қўрқ ҳанидан гитлерчининг жаги осилиб тушди. Ў совет солдатининг бунчалик яқин келиб қолганлигини пайқамай қолган эди. Ўрин пичоқни шартта қинидан чиқарди-да гитлерчининг кўкрагига санчди. Йўл очилди!

144-тепаликдан ҳаммаёқ кафтдек кўринади. Чекинаётиб нафасини ростлаб олаётган немислар шундоқ кўз ўнгида. Разведкачилар ўн бир киши. Унинг ёнида командир — бошқирд Ҳаким Ахмедгалин — кузатиш учун ўзига жой ҳозирламоқда, ундан нарироқда украин Петр Сироежкин, руслар — Василий Андронов ва Михаил Шкураков, тожик Чуток Ўрозов, киргиз — Тукубой Тайгараев, чуваш лар Федор Ашмаров ва Матвей Чернов, қорақалпоқ Ўрин Абдуллаев ва татар Яков Шакуровлар ҳам ўзларига жой ҳозирлашмоқда. Совет мамлакати саккиз миллати вакиллари Ватан бўйруғини шараф билан бажариш учун қасамёд қилган ва бу йўлда ўз кучларини ҳам, ҳаётларини ҳам аямаслиққа сўз берган эдилар.

Зина рацияни очиб, келишилган тўлқинни топди.

— «Юлдуз!» «Юлдуз!». Мен «Қарағай», «Қарағай»... Қабулга ўтаман. Қабулга ўтаман...

Дарҳол жавоб келди. Дивизия штабидагилар разведкачиларнинг жавобини сабрсизлик билан кутиб туришарди. «Қарағай» душман қўшинлари ва техникаси турган жой ҳақида, унинг ўт очиш нуқталари қаерда эканлиги ҳақида аниқ маълумотлар берди. Орадан бир неча минут ўтгач, Рунден атрофи кучли портлашлардан ларзага келди.

Снарядлар фашистлар гуж бўлиб тўпланган жойда портламоқда. Разведкачилар тепадан машиналарнинг кулпарчин бўлаётганлигини кўриб турадилар. Йўлда юзлаб душман солдат ва офицерларининг мурдаси чўзилиб ётарди. Душманнинг кўпгина ўт очиш нуқталари жимиб қолди. Кимдир рус артиллериясининг ўтини тўғрилаб турганлигини, шу ерга яқин бир жойда кузатувчи бўлиб, бу ўтнинг мўлжалга аниқ ёғилаётганлигини бошқариб турганлигини немис қўмондонлиги пайқаб қолди.

Фашистлар тепаликни миномёт ва артиллериядан эзг бериб ўкка тута бошлаганда Ҳаким Ахмедгалин узоқ ва қизғин жанг бўлишини тушунди. Зина гитлерчилар тепаликни ҳужум қилишга ўтди, деб радиограмма юборди. Шунинг учун Ахмедгалин унга дарҳол ўзимизникиларга қайтиб кетишни буюрди.

Ҳаким жанговар дўстларига мурожаат қилди: — ўзларинг тушуниб турибсизлар, — деди у, — тепаликни немисларга беришга ҳаққимиз йўқ, душман бу ерни таянч пункти қилиб олиши мумкин.

Фашистлар қалин ўқ ёғдириб, тепаликни атака қилишга ўтди. Лекин разведкачиларимизнинг аниқ мўлжалга олиши туфайли уларнинг сафлари сийраклашди. Артиллериямиз эса ҳамон душман қўшинлари ва техникасини яксон қилмоқда эди. Немис пулеметчиси турган траншеяни Ўрин Абдуллаев эгаллади. Ундан сал нарида Федор Ашмаров билан Василий Андронов окоп қазишарди. Еш эман дарахти остига Петр Сероежкин билан Матвей Чернов ўрнашишди. Ми-



МУРУНТОВ олтини ҳақида газета саҳифаларида жуда кўп ёзилди, конниг забардаст кишилари, уларнинг фидокорона меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилинди. Сиз суратда нўриб турган бино Мурунтов олтин саралаш комбинатининг нўринишидир.

А. ТУРАЕВ фотоси.

ХАФАҚОН СИРЛАРИ

Сиҳат-саломатлигингиз қандай

Гипертония (ҳафақон) — ер юзида кўп тарқалган касалликлардан биридир. Кейинги йилларда ҳафақон касаллиги ҳақида турли мулоҳазалар айтилмоқда. Бу касаллик организмнинг умумий дарди бўлиб, асосан бош мия, юрак, буйрак, қон томирларни зарарлантирэди ва қон босимининг ошиши билан характерланади. Ҳафақон умрнинг энг маҳсулдор, кучга, ақлга тўлган, камолотга етган [40-55] ёшларида кўпроқ кишиларга «илашади». Лекин ҳафақон касалига чалинмоқ, яна бутунлай соғайиб кетганлар кўп. Аммо, умуман олганда, ҳафақон энг оғир юрак-қонтомир касалликларидан бўлиб, кишиларни бевақт меҳнатга лаёқатсиз қилиб қўяди. Шунинг учун ҳафақон касаллигини келтириб чиқарадиган «сирларини одамлар яхши билиб олишлари керак, шундагина ундан сақланиш ва унинг олдини олиш осонлашади.

Текширишлардан маълумки, ҳафақон касаллигига кўпроқ ақлий меҳнат кишилари чалинадилар. Ақлий меҳнат билан ҳаддан ташқари кўп шуғулланиш, ўзини тутаолмаслик, бекордан-бекорга руҳий эзилиш, изтиробда юриш асаб системасининг иш услубини бузади, унинг қонтомирлар ва юрак фаолияти устидан назоратини пасайтиради. Асабийланиш пайтида қонтомирлар торояди. Кўпроқ буйрак қонтомирлари торайиши оқибатида буйрак маҳсулоти — ренин моддаси кўп ишлаб чиқарилади. Ренин қонда глобулин оқсил моддалари билан бирлашиб, организмда қонтомирларни торайтирувчи модда кўпайиб кетади. Оқибатда кишининг қон босими кўтарилиб—ҳафақон (гипертония) касаллиги келиб чиқади.

Медицина фанининг аниқлашича, ҳафақон касаллиги меъёридан ортиқ ёғли таомларни истеъмол қилувчилар орасида кўпроқ учрайди. Ёғ моддаси — холистерин қонтомирларнинг деворига кўпроқ чўка бошлайди, натижада қонтомирлар торайиб қолади, томирларнинг эластик ҳолати йўқола бошлайди. Бундан ташқари, олий нерв системасининг нормал ишлаш қобилияти бузилиши оқибатида қоннинг биохимик таркиби ҳам ўзгаради. Яъни, қон қуюқлаша бошлайди, қуюқлашган қон торайган қон томирлардан қийинлик билан ўтади. Бу эса қон босимининг ошишига олиб келади.

Маълумки, юрак ҳар минутда томирларга 5-6 литр қонни «ҳайдаб туради, бир кеча-кундузда эса танада 10 минг литр қон айланади. Торайган қонтомирлардан қуюқлашган қонни ўтказиш юрак мушакларига оғирлик қилади. Натижада юрак мушаклари чарчайди.

Ҳафақон касаллигининг келиб чиқишида тамаки ва спиртли ичимликлар, айниқса, ёмон роль ўйнайди.

Хўш, ҳафақон касаллигининг асосий белгилари нима? Бош оғрийди, бош айланади, кўз тинади, киши тез чарчайди, фикри тарқоқлашади, хотира пасаяди, нафас қисиб, юрак атрофида оғриқ пайдо бўлади. Ҳасталикнинг дастлабки даврида қон босими жуда юқори бўлмай, 160-170 миллиметр симоб устунига тенглашади ва қисқа муддатда ўз аслига қайтмайди. Бу ўзгаришлар кўп йиллар давом этиши мумкин.

Қон босимининг юқори бўлишига беморлар жуда ҳам эътибор бераверманлиги, ҳовлиқиб кетмаслиги керак, акс ҳолда касаллик тўғрисида кўп фикрлашнинг ўзи ҳам дардни зўрайтириб юборади.

Ҳафақон асосан уч босқичда ўтади. Биринчи босқич — унча оғир бўлмай, қон босими 140-160 миллиметр симоб устунига тенглашади. Юқорида айтиб ўтилган— касалликни келтириб чиқарувчи шароит ва хатти-ҳаракатлар қайтарилмаса, кишн соғайиб кетади. Иккинчи босқичда беморлар, албатта, врач назоратида даволанишлари зарур. Шифокорлар бу босқичда қон босимини пасайтирадиган, юрак-қонтомир фаолиятини яхшилайдиган дори-дармон ва баъзи таомларни таасия қилдилар. Учинчи босқич —ҳафақон касаллигининг оғир формаси бўлиб, бунда қонтомирлардан ташқари юрак, буйрак, жигар ва олий асаб системаси ҳам зararланган бўлади. Бундай ҳолда, сўзсиз, касалхона шароитида даволаниш зарур.

Ҳафақон касаллигини ўз вақтида қаратмаслик энг ҳавфли оқибатларга олиб келади, киши миясига қон қуюлади ва юрак мушаклари карахтланади — миокард инфаркти келиб чиқади. Очигини айтиш керак, ҳозирги замон медицинасининг шунчалик юксак ютуқларига қарамай, бундай беморларни даволаш осон эмас! Шунинг учун ҳам бу касалликнинг олдини олиш муҳимдир. Ҳафақон касаллигидан сақланишнинг биринчи шарти — организмни чиниқтиришдир. Жисмоний тарбияга катта аҳамият бериш лозим. Меҳнатни тўғри ташкил этиш зарур. Бунинг учун ҳар бир кишининг иш унинг ақлий ва жисмоний кучига мос келиши, оғир бўлмаслиги керак. Меҳнат иштиёқ билан бажарилса, киши унден баҳра олади, бу ҳол асаб системасига, юрак-қонтомирлари ишига ижобий таъсир кўрсатади.

Дам олишни тўғри уюштириш, етарли даражада ухлаш ҳам ҳафақонден сақланишнинг муҳим йўлидир.

Бомориинг кун тартиби, парҳези, дам олиши қандай бўлиши керак! Овқатни фақат маълум вақтларда, кунда тўрт маҳал оз-оздан истеъмол қилиш лозим. Ҳаддан ташқари кўп таом ейиш юрак-қонтомирлари системаси ишини чиқаради, қон босимини ошириб юборади, бундан ташқари кишини семириб кетади. Бу эса атеросклероз касаллигини авж олдиради. Соғайиб келаётган кишининг қон босими пасайиб, юраги анча меъёрига келиб қолган бўлса ҳам, сарнёг, ёғли гўшт, от гўшти, тухум сариғини камроқ таноъвул қилгани маъқул. Кўпроқ сутли ва таркибида аскорбин кислотаси, «В» группа витаминлар сероб бўлган сабзавотли таомлардан ейиш фойдалидир. Суюқликларни, айниқса, чойни камроқ ичиш керак. Акс ҳолда юракка, қонтомирларга зўр келади, оқибатда кишининг нафаси қисадиган, тез-тез халлослайдиган бўлиб қолади.

Ҳафақонга чалинган беморлар ичида папирос чекадиганлар кўп учрайди. Тамакининг кони зиёнлиги ҳаммага маълум, Ҳафақон касаллигини бошидан кечирган кишининг эса тамаки чекиши асло мумкин эмас! Спиртли ичимликлар ҳақида ҳам шуларни айтиш мумкин.

Ҳафақон касалидан тузалиб келаётган киши меҳнат отпускасидан қандай фойдаланиши керак! Энг яхшиси, бундай кишилар ўзлари ўрганган оддий шароитни ўзгартирмаганлари маъқул. Борди-ю, ҳаво кескин ўзгарса, киши янги шароитга тез кўника олмайди, бу эса унинг саломатлигига зарар етказади, қон босимининг қайта кўтарилиб кетишига сабаб бўлади.

Ҳафақон касаллигидан сақланишнинг яна бир муҳим шарти — кишилар ўртасидаги биродарларча муомала, меҳрибонлик, ширинсуҳанлиқдир. Киши ўзини умр бўйи ана шундай кўникмаларга ўргатиши керак.

О. АЗИЗХЎЖАЕВ,
Медицина фанлари кандидати.

ЎЗАРО ТЕКШИРИШ ЯКУНИ

ҮРГАНЧ. (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан**).

Хоразм область қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгаши бўлди. Мусобақадош Қорақалпоғистон Автоном республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари К. М. Маткаримов ўзаро текшириш якунлари тўғрисида гапирди. Область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов ва бошқа нотиқлар мусобақадошларнинг танқидий мулоҳазалари ва маслаҳатлари асосида қилинаётган амалий ишларга тўхталиб ўтдилар. Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриельянц сўзлади.

ЭРТАГА СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

50 МАМЛАКАТГА...

А. ҒОЗИНАЗАРОВ,
Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси бошлиғи

Совет халқи ҳар йили 18 августда СССР Ҳаво Флоти кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлайди. Бу байрам Ватанимиз лочинларининг улкан ютуқ ва зафарлари кўриги ҳисобланади.

Граждан авиацияси ходимлари ҳам СССР Ҳаво Флоти кунини ажойиб муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Ватанимиз авиацияси йилдан-йилга улкан одимлар ташлаб ривожланмоқда. Ҳаво кемаларимиз кечаю кундуз, қаҳратон қиш совуғи ва ёзнинг жазирама иссиғига қарамай, кўк бағрини ёриб, Шимолий Қутбдан Қора денгизгача, Болтиқ денгизидан Тинч океангача тинмай парвоз қилмоқда.

Самолётларимиз жаҳоннинг 50 дан ортиқ давлатига, шу жумладан Куба, Франция, Англия, Ҳиндистон, Америка, Сингапур, Япония ва кўпгина бошқа мамлакатларга мунтазам қатнаб турибди. Ҳаво флотимизнинг халқаро йўли ҳозир 100 минг километрдан ошади. Лайнерларимиз дунёнинг барча юк ташиш қатновининг чорак қисмини бажарди.

Граждан авиациясининг мамлакатимиз экономикасидаги аҳамияти ҳам жуда улкан. У пассажирларга вақтни тежаш, узоқ йўлни яқин қилишда ҳам жуда қўл келяпти.

Ҳозир граждан ҳаво флоти уч мингдан ортиқ шаҳар ва аҳоли яшайдиган йирик пунктларга хизмат қиляпти. Унинг маршрутлари қариб 2500 ҳаво йўлини бирлаштириб. Ватанимизнинг барча территорияси устидан ўтади.

Ҳаво йўлларининг масофаси, юк ва пассажирлар ташиш суръатининг ўсиши, халқ хўжалигида авиацияни қўллаш ва қишлоқ хўжалигида вертолётлардан фойдаланиш соҳасида, медицина ва ўрмонларни қўриқлаш учун ажратилган самолётлар миқдори бўйича Совет Иттифоқи ҳозир дунёда биринчи ўринда туради.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги туфайли Ўзбекистон граждан авиацияси ҳам юқори суръатлар билан ривожланаётир.

Урушдан кейинги даврмобайнида республикамиз ҳаво йўллари масофаси бир ярим баравар, авиахим ишлари миқдори 12, пассажирлар ташиш 13, юк ташиш 9 баравар ошди. Ҳозир Ўзбекистон ҳаво йўллари масофаси 100 минг километрдан ортиқ.

Республика граждан авиацияси бошқармасининг учувчилари, инженер-техник ходимлари ва кўп сонли коллективи ўз байрамини ажойиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олмоқдалар. Авиаторларимиз иккинчи кварталнинг ишлаб чиқариш планини муваффақиятли бажаришди. Юк ташиш 105,9, пассажирлар ташиш 104,2 процент қилиб адо этилди. Авиация усули билан 176,9 миллион гектар ерга ўғит сепилди. Мамлакатимизнинг шимолий районларига 4500 тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди.

Социалистик мусобақанинг иккинчи квартали якунига кўра В. Пшеничников командирлик қилаётган Бухоро авиа бўлинмаси, В. Хоменко командирлик қилаётган Урганч ва Г. Жданов бошлиқ Фарғона аэропорти ходимлари илғорлар номини олдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ю. Коновалов, СССРда хизмат кўрсатган учувчилар А. Саркисов, Г. Орлов, А. Калошин ва СССРда хизмат кўрсатган штурман А. Рубинлар авиациямиз ходимлари ўртасида намунали меҳнат қилмоқдалар. Бизда ҳозир ўнлаб коммунистик меҳнат коллективлари ва социалистик мусобақанинг минглаб зарбдорлари бор. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлаётган Р. Абдуллаев, Л. Горяинов, Г. Обутков, Ф. Хусановлар командирлик қилаётган «Ил-18», В. Марюкин, А. Хусанов командирлик қилаётган «АН-24» самолёти экипажлари ҳар соҳада пешқадам.

Ўзбекистон граждан авиацияси ходимлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, жонажон партиямиз томонидан граждан авиацияси олдига қўйилган вазифаларни шараф билан бажармоқдалар.

НАЗМ ДАФТАРИДАН

ТОЛ ВА ЧОЛ

Бир боғбон тол энди пол деб
тонка,
Тол яшнаб улғайди.
Кексайди боғбон.
Боғ ичра кексалик эмасди якка.
Тоқлар ҳам кексайди,
Ҳосилдан ларзон.

Шохлардан тоқларга несаркан
пол,
Боғбон чол ўзига ясади ҳасса.
У ўйлар:
«Ёшлиққа етди ниҳол,
Ғурур ҳам эвида,
Ҳа, энди бас-да...».

Ҳассага таяниб,
Куч йиғаркан чол,
Ток бўлиб кўринди боғда
нўзимга:

Бунчайган гавдаси —
Ток занги мисол,
Соқоли ўхшарди бир бош
узумга.

САФО

Бир қонада иккимиз ҳоли:
Мен ва шеърият.
Ташқарида ёп-ёруғ баҳор
Деразадан боқар бегубор,
Ғоят сафоли.

Бироқ, шеъриям ғоят бешафқат,
Зговлайди раҳм қилмасдан.
Мен ҳам унга қилмасдан
шафқат,
Ҳар сатрини чарҳлаб тураман,
Бор кучимни сарфлаб тураман,
Бир он тинмасдан.
Қурашамиз шундай иккимиз,
Оҳ, камайса деймиз иккимиз,
Ташқарида ёп-ёруғ баҳор
Деразадан боқар бегубор,
Ғоят сафоли.

Кўнгил дейди:
«Юр ташқарига,
Тўй баҳорнинг латофатига».
Яна дейди:
«Нўқ, иччарида
Шеъринг туфайли
Ултиравер,
Ишлайвер майли,
Шеъринг етсин камолотига.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ.

Ёшлар ижодидан

ТИКУВ МАШИНАСИ

ШИНГИЛ ҲИКОЯ

Ҳар гал тикув машинаси олдига ўтирганимда шуни эслайман: Бичиш-тикишга ҳавас қўйиб, тикув машинасига ораниқиб юрган кезларим эди. Бир нуни қишлоқдан қайнонам меҳмон бўлиб келиб қолдилар. Атайлаб қилгандек қўшним тикув машинасини қистаб чиқиб қолди. Тиқаётган ишим чала қолиб, ёшлик экан-да, қайнонамга ўғлидан ворланиб кетдим.

Орадан ҳеч вақт ўтмади. Яна қайнонам эшигимдан кириб келдилар. Одатда, ораниқтириб-ораниқтириб, ҳаллаб келгуча эдилар. Тинчликмиан, кўнглимдан ўтмадим. Нимадир қийнқчага тугиб, билакларидан ўтказиб олибдилар. Пешвоз чиқдим, қўлларидаги тугунчи оламан десам, зил-замбил.

—Бунча оғир юкни кўтармасангиз, нима бу?—дедим.

Юзлари бўрсиқкан, кўзлари қип-қизариб кетган қайнонам майнигина жилмайиб:

—Очинг болам, очинг,—дедилар-у, кўрпачага ўзларини ташладилар.

Тугунни очдим, не кўз билан кўрайки, тикув машинаси.

Хурсанд бўлишимни ҳам, ийтифотсиз ўтиришимни ҳам билмайман, нуқул:

—Раҳмат, ойижон, катта раҳмат, — дея олдим холос.

Оёғим олти. қўлим етти эди. Ўтказишга жой тополмасдим, қайнонамни. Дастурхон ёзиб, чой дамлаб келмоқчи эдим. эътироз билдирдилар

— Қўя туринг болам, бир оз ўзимга келай..

Қарасам, ойим кўрпачага чўзилганча, нуқул тиззаларини уқалаяптилар.

—Нима қилди, ойижон? Қани, кўрсатинг-чи, — дедим ёнларига ўтириб.

— Ҳеч нимаси йўқ, шунчаки,—деб қўя қолдилар.

Ҳол-жонларига қўймадим. Қарасам, тиззаларидан қон сизиб турибди.

—Нима бўлди?—дебман жон ҳолатда,

—Ҳалиги, толиқдимми, ҳар қалай қоқилиб кетдим. Ҳайрият, тиззалаб қолдим. Бўлмасам, машина учиб тушиб, мурувати ишдан чиқармиди?!

—Ўзимиз олиб келардик, — ич-ичимдан қайнонамга ачиниб кетдим.

Кейин улар кула-кула тикув машинасини қандай харид қилганларини гапириб бердилар: қишлоғимиз магазинлига тикув машинаси келгани дарагини эшитиб қолдим. Борсам, тумонат қизжувон. Турсам турарсераман. Кўрмишдан етмайдига ҳай.

—Ўглим,—дедим сотувчига, — биттасини менга ўрамасанг у дунёю бу дунё магазинингга қадам босмайман...

—Хўп хўп бўлади, онажон, — деди илтифот билан сотувчи ўғлим ҳам.

—Қайнонам эмас, менга «неварҳоҳ» бўлиб тақилиб кетдим,

Қўлим чарх уриб айланираётган бу тикув машинасинг қайнонамдан ёдгорлик. У қайнонамдан кўрган қанча-қанча яхшилик, одамгарчилик, иззат-икром, ардоқлашларнинг рамзидай ҳамиша уйим тўрида

Дилбар МАҲМУДОВА.

Инсон

Бир замон табиат лутф этди
Ерга,
Унинг қудратидан яралди
Инсон.
Нур билан битилди шунда
тақдирга,
«Инсон» деб аталган муаддас
унвон!

Шу унвон туфайли — эзгулик
қаёт,
Бир чақмоқ қантдек у тотли ва
лазиз.
Шу унвон туфайли буюк
одамзод,
Юраги толасида кезар ўтли ҳис.

Улуғбек тахтдан воз кечгани
рост-ку,
Йўқса, таъзимида эди-ку олам.
Юлдузлар изини қўлга олди у,
Юлдуз бўлиб порлар энди ўзи
ҳам.

Инсон деб, инсонлар, жангда
берди жон,
Шуҳрат келтирдилар унга
мисли тоғ.
Ва лекин кимлардир тўккан
қатра қон,
Инсон унвонига бўлиб қолди
доғ.

Инсон унвонини тумордай
тақиб,
Кимлар нэгир қўлда қилич
ялангоч.
Истиқболнинг ёркин уфиқига
боқиб,
Халқим қиличлардан ясайди
омоч!

Қанча унвонлар бор ёруг
оламда,
Кошки, унвон бўлса инсонга
безак?!
Унвонлар юлдузин тақкан
одамда,
Одамийлик билан ёнсайди юрак!

Бир гаплин руҳимда азоб
тортдирар,
Бир маъюслик бўғар юрак
тугёнин.
Эвоҳ, одамлар бор — унвон
ортдирар,
Узлари йўқотиб ИНСОН
унвонин...

Минҳожиддин ҲАЙДАРОВ.

Эътибор бериш керак

Фарғона область партия комитети бюросининг мажлисида партия комитетларининг секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, областдаги колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари қатнашдилар. Фарғона областининг қишлоқ меҳнаткашлари беш йиллиқнинг тўртинчи йилида ўз зиммаларига олган мажбуриятларни қандай бажараётганликларини аниқлаш юзасидан Андижон областининг пахтакорлари ўтказган ўзаро текшириш якунлари муҳокама қилинди. Бригада раҳбари, Андижон область партия комитетининг секретари У. Саримсоқов текшириш натижалари тўғрисида гапирди.

Андижонликлар Фарғона деҳқонлари бу йилги қўклам фаслининг қийинчиликларига қарамай, ғўзанинг ривожидаги нечиқишни бартараф этиш соҳасида катта иш қилганликларини таъкидладилар. Шу билан бирга, ғўза парваришидаги жиддий камчиликлар ҳам кўрсатилди.

Область партия комитети бюроси аниқланган камчиликларни тезликда йўқотишни кўзда тутган қарор қабул қилди.

хаил Шкураков билан Яков Шакуров ниқобланиб олиб, душманни кутиб туришарди. Тукубой Тайгараев унча катта бўлмаган қўлдан юз метрча нарида қулай позиция топиб урнашиб олди. Чутоқ Ўрозов саройдан немисларни ўққа тутиб турди. Эпчил Ҳаким Ахмедгалин ҳамманинг ёнида бўлишга улгуриб, дўстларига далда берар, жангга моҳирона раҳбарлик қиларди. Олишув оғир зум бўлса ҳам тўхтамади. Сунуплява уйлари алангада. Қишлоқни тутун ва аччиқ ҳид қоплаган.

Тепалик ёнбағирлари фашист мурдалари билан тўлиб кетган бўлса ҳам, гитлерчилар шиддатли штурмни давом эттирди. Улар жуда катта талафот кўриб Чутоқ Ўрозов ўқ узаётган саройни ўраб олди. Фашистлар саройга ўт қўйиб юборганда ҳам тожик жангчи чекинмай, сўнгги нафасига қадар душманга ўқ узиб турди. Ёёёидан яралангам Михаил Шкураковни немис автоматчилари ўраб олди. Улар Михаилни тириклайин қўлга туширимоқчи бўлди. Лекин қаҳрамон йигит ўзига зўр келса ҳам, ўрнидан туриб яқинлашиб келаётган гитлерчиларга қарата ўқ ёғдирди.

Жангнинг биринчи куни тугаётганда мина парчаси тегиб Ҳаким Ахмедгалин оғир ярадор бўлди. Қонга беланган командир ёш эман дарахтигача ўрга эмаклаб бориб, зўр-базар бўлса ҳам айтиб қолди:

— Дўстларим, бардам бўлинглар, бизникилар яқинда келиб қолишади.

Петр Сероежкин сўнгги ўқ қолгунгача душманни қақшатажаклари ҳақида дўстларни номидан қасамёд қилди.

Қаҳрамонона мудофаанинг биринчи куни тугади. Немислар саноқли жасур азаматларимизнинг қаршилигини енга олмади. Бўлимда энди етти киши қолган эди. Улардан фақат тўрт киши жангни давом эттириши мумкин эди. Тўрт марта ярадор оўлган Василий Андронов қимирлай олмасди. Ўқ-дорилар ҳам тугай деб қолган. Лекин солдатлар тепаликни қўлда сақлаб туришга қатъий аҳд қилганлар.

Эрта тонгда гитлерчилар яна штурмга ўтди. Улар ўша куни эрталаб тепаликда фақат етти кишигина жанг қилаётганлигига ҳеч ишонишмасди. Биринкетин атакалар натижа бермади. Фашистларнинг жаҳли чиқди. Нима, бу русларнинг жони темирданми! Немис мерганининг ўқи Матвей Черновнинг ҳаётини олиб кетди. Ғарбдаги қояда Петр Сероежкиннинг ўзигина жанг қиларди. Йигитлик чоғларида Совет Республикаси учун жанг қилган отлиқ аскар, олти боланинг отаси, шу дақиқада эса тепалик ҳимоячилари орасида ёши улуғи Федор Ашмаров мина парчасидан ҳалок бўлди.

Пешинга келиб тўрт кишигина тирик қолди. Сунуплява қўлидан тепаликка қараб бир неча ўн немис тирмашиб чиқа бошлади. Узоқ Қирғизистондан келган, бўлим комсорги Тукубой Тайгараев уларнинг йўлини тўсди. Ўқ қолмагач, ярадор Тукубой қўлига гранатани маҳкам ушлаганча пастга тэмоқ, душманга қараб юрди. Граната портлаб, бир неча гитлерчи ер тишлаб қолди. Улар ёнида қонга беланган Тукубой ётарди.

Энди 144-тепаликни уч киши ҳимоя қиларди. Ўқ-дори тугади. Шунда Ўрин Абдуллаев билан Яков Шакуров ўлдирилган фашистларнинг қурол ва ўқларини олиш учун душман ўқи остида эмаклаб кетди. Сероежкин автоматдан қисқа-қисқа ўқ узиб, жанговар дўстларини ҳимоя қилиб турди. Немислар миномёт ва артиллериядан узлуксиз ўқ ёғдиришди. Снарядлардан бири Шакуров билан Абдуллаев ўртасида ёрилди. Шакуров ҳалок бўлди, Ўрин тупроқ остида қолди. Ў тепалик ёнбағрида ҳушсиз ётарди. Немислар тепаликни энди фақат бир солдат—Петр Сероежкин қолганини сезмай, шу куни ўнинчи атакага ўтди.

Петр қўлида ягона граната маҳкам ушлаб турар, автомат дискасида эса фақат уч ўқ қолган эди. Бу яна оғир неча немисни қириб ташлаш учун етарли... Тепаликнинг энг баланд жойида мина портлаб, Сунуплявонинг сўнгги ҳимоячиси—украин халқининг шонли фарзанди Петр Сероежкин ҳам ҳалок бўлди. Сунуплява қаҳрамонлари ўз ҳаётларини қурбон қилиб бўлса ҳам, қўмондонликнинг буйруғини оажардилар. 144-тепалик остоналарида душманнинг иккн юздан ортиқ солдат ва офицери қириб ташланди. Фронтнинг бу участкасида душманнинг тартиб билан чекиниш режаси барбод бўлди.

Кечқурун немислар 144-тепаликни эгаллади.

Оғир ярадор, чуқурликка берилиб қўйилган Василий Андроновни немислар ўлмай қолди. Ҳушсиз ётган Ўрин Абдуллаевни эса ўзлари билан олиб кетишди. Буни ҳеч ким билмасди, шунинг учун ҳам Абдуллаев кўп йилларгача ўзининг жанговар дўстлари билан биргаликда Сунуплява қишлоғида дафн этилган деб келинди. 1945 йилда қаҳрамонларнинг хоклари Лодзь шаҳрига қайта дафн этилди. Шундай қилиб Ўрин Абдуллаев иккинчи марта «дафн этилди».

Василий Андроновни медсанбатга жўнатишди. Врачлар унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун кўп жонбозлик кўрсатдилар. Василий соғайиб кетди. Лекин қаттиқ ярадор бўлганлиги унинг саломатлигига анча зарар етказган эди. У 1953 йилда Ватанида, Москва областида вафот этди.

Ватан ўз ўғлонларининг жасоратига юксак баҳо берди. ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ударга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини берди. Ўн жасур солдатнинг мислсиз жанги ҳақида Болтиқ денгизи соҳилларида жанг қилган қисмлар ва бўлинмаларда кўп афсоналар яратилди.

Лекин ўша вақтда, орадан кўп вақт ўтгандан кейин ҳам, 144-тепаликда жанг қилган мардларнинг бири, Ўрин Абдуллаев, барҳаёт эканлигини ҳеч ким билмаган эди.

Ярим тун, Милт этган чироқ кўринмайди. Рупденлиар шарин уйқуда. Фақат азиз меҳмон Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ўрин Абдуллаев билан иккковлашиб суҳбатлашиб ўтирибмиз. Бу бизнинг иккинчи учрашувимиз. Эски қадрдонлардек суҳбатимиз тугамайди. Ўрин ўз ҳаёти ҳақида, бошдан ўтганлари ҳақида шошмасдан, салмоқ билан сўзлайди. Бу камсуҳан, уятчан, камтарин инсон, қўллари қадоқ деҳқон кўп азоблари бошдан кечирган.

Ўрин ҳалок бўлган дўстларини оғиздан қўймайди, эсдан чиқмас жанг бўлиб ўтган ўша машҳур тепаликда бўлган воқеаларни ипидан игнасигача хотирасида тиклаб, гапини гамом қилолмайди. Унинг қийғоч кўзлари бир оз юмилиб, пешанасини ажин босди. У асирлик ҳақида, шундан кейин кўрган азоблари ҳақида гапирди...

Фашистлар Ўринни Магдебург яқинидаги концлагерга ташлади Меҳнат ниҳоятда оғир. Доимий очлик, инсон қадри ҳар дақиқада топталади. Шу асоратдан қолиб чиқиш учун Сунуплява тепалигида кўрсатилгандан ҳам катта мардлик талаб қилинарди. Кунлар унинг назарида чўзилиб кетгандай, доимо ўз Ватани, севгиси Қорақалпоғистон ҳақида, хотини, қизлари, акаукалари, дўстлари ҳақида ўйлайди.

Ғалабадан кейин ўн олти йил ўтгач, Қорақалпоғистоннинг Турткўл район Партия XXI съезди номли қишлоқ хўжалик артелининг колхозчиси Ўрин Абдуллаевга Тошкентда унинг жанговар хизматлари учун берилган юксак мукофот—Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони олтин юлдузи топширилди.

Қаҳрамон урушдан кейин 144-тепаликда биринчи марта 1962 йилнинг май ойида бўлди. Қишлоқнинг энг кекса оқсоқоли, эсдан чиқмас ўша жангни ўз кўзи билан кўрган 90 ёшли Пимев Рудзиш уни ўз ўғлидан баҳрига маҳкам босиб кўришди. 1962 йил 9 май—ғалаба куни қишлоқнинг юзлаб аҳолиси Абдуллаев билан бирга 144-тепаликка чиқишди. Шон шараф ёдгорлиги ёнида гуллардан тоғ ясалди, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ўрин Абдуллаев эса ўзининг номи ҳам ёзилган каҳрамонлар рўйхатига киритилиб, узоқ вақт сукунат ичида қолди. Ҳозир кўпгина кўчалар, мактаблар, пионер отрядларига шу қаҳрамонларнинг номи берилган. Улар яшаган республикалар аҳолиси Сунуплява қаҳрамонларни номини доим иззат-икром билан гилга олади. Болтиқ бўйидаги энг қадимий шаҳарлардан бири бўлган Лудзадаги улуғвор қайкал ана шу ўн ўлмас қаҳрамон номига қўйилган.

Ҳалок бўлган қаҳрамонлар қабрига абадий ўчмас машъал қўйиш анъана бўлиб қолди. Сунуплявани кўкрак билан ҳимоя қилган ўн рицарининг жасорати ҳақидаги афсонани авлоддан-авлодга қолдириб кетаётган кишиларнинг меҳр-муҳаббати ҳам худди шундай абадий ўчмас машъалдир.

●Болгарияда дўстлик парки

●«Кўнгиллилар»нинг аянчли қисмати

●Узоқ яшаш сири

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

КУБА РЕСПУБЛИКАСИ. Гавана атрофларида кофе дарахтлари кўчатларини ўтказиш ишлари авжида. Бу йил ана шу янги кофе дарахтларидан 4 миллион донаси янги ҳосил беради. Суратда: Кофе дарахтлари кўчатларини ўтказиш пайти.

Пренса Латина—ТАСС фотоси.

ШОШИЛИНЧ МАЖЛИС

ЛОНДОН, 15 август. (ТАСС). Шимолий Ирландия парламентининг шошилинч мажлиси кеча кескин зиддиятлар вазиятида бошланди. Шимолий Ирландия ички ишлар министри Роберт Портер Шимолий Ирландия ҳукумати уч кундан бери аҳоли билан полиция ўртасида тўқнашувлар давом этаётган Лондондерри ва бошқа шаҳарларнинг аҳолисига қарши қўшинлардан фойдаланиш тўғрисида карор қабул қилганлиги ва бу қарорни Лондон маъқуллаганлиги тўғрисида хабар берганида, мажлисда шов-шув авжига чиқиб кетди. Бу қарор Шимолий Ирландиядаги сиёсий кризисни кучайтиришда янги босқич бўлди.

Оппозициядаги партиялардан баъзи депутатлар муноза-ралар вақтида Шимолий Ирландия ҳукуматининг тамомила ожиз бўлиб қолганлигини, сайлаб қўйилган муассасаларнинг демократияга қарши характерда эканлиги ҳақида гапирдилар. Республикачилар партиясининг вакили Патрик Кеннеди бундай деди: «Ҳозирги парламент ва унинг мажлиси аянчли бир масхарабозликка ўхшайди. Кеннеди Лондон—дерида полициянинг қилган бебошлигига қарши норозилик билдириб, парламент залидан чиқиб кетди. Уни парламент аъзоларидан яна беш киши қувватлаб мажлислар залидан чиқиб кетдилар.

Лейбористлар партиясидан депутат Жерард Фитт ҳукумат мамлакат олдига қўйилган вазифаларни бажаришдан ожиз бўлиб қолганлигини таъкидлади. Ҳозирги парламент ва ҳозирги ҳукумат, деди у, Шимолий Ирландия халқи ва унинг олдида турган проблемалар билан алоқаларни тамомила узиб қўйдилар».

Шимолий Ирландия бош министри Жеймс Чичестер — Кларк мунозарадарни бошлаб, мамлакатда вазиятнинг кескинлашганлиги учун бутун айбни қандайдир «қўпорувчи унсурлар» устига қўйишга, гўё улар «қонуний ҳукуматни ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштирадилар», деб исбот этишга уринди.

Гарчи Чичестер — Кларк «қўпорувчи унсурлар» деб кимларни назарда тутганлигини конкрет айтмаган бўлса ҳам унинг нутқидан мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий реформани, Шимолий Ирландиянинг бутун аҳолисига гражданлик ҳуқуқлари берилишини талаб қилаётган ҳамма кишиларни «қўпорувчи унсурлар» деб ҳисоблаётганлиги маълум эди.

Чичестр—Кларк парламентда нутқ сўзлаётган вақтда Лондон — дерри кўчалари инглиз қўшинлари билан тўлди. Пўлат каска кийган, автоматлар ва милтиқлар билан қуролланган солдатлар шаҳардаги барча муҳим постларни ишғол қилдилар, кўп кўчаларни тиканли симлар билан ўраб олдилар.

Айни вақтда агентлик Шимолий Ирландия чегарасида Ирландия қўшинлари бўлинмалари тўпланганлигини хабар беради.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БОЛГАРИЯ

Пловдивнинг хушманзара районларидан бирида Болгар — Совет дўстлиги парки бунёд этишга қарор қилинди. Парк В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллиги шарафига барпо этилиб, революциянинг улуғ доҳийси номида бўлади. Бу ерда спорт майдонлари, сув спорти базаси, пионер лагери қурилади.

ВЕНГРИЯ

Совет Иттифоқи озиқ-овқат саноати учун машина ускуна ишлаб чиқарувчи Венгрия машинасозлиги маҳсулотининг энг катта харидоридир. Сўнгги ўн йил мобайнида Венгриядан СССРга 247 консерва заводлари учун асосан сабзавот ва мевани қайта ишловчи комплекс машина ускуналар етказиб берилди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

Чехословакия пойафзал саноатининг маркази Готвальдов шаҳрининг меҳнаткашлари орадан бир неча кун ўтгач, ўз тарихларида юбилей санани нишонлайдилар. Мамлакатда миллий «Свит» пойафзал корхонаси барпо этилганига 75 йил тўлади. Пойафзал шоҳи батянинг собиқ заводи улкан пойафзал комбинатига айлантирилиб, Венгрия, Австрия, Греция ва Туркиянинг ҳаммасида ишлаб чиқарилганчалик маҳсулот тайёрлаб бермоқда. Комбинат ҳар куни 50 минг жуфтдан ошиқ чарм пойафзал ва қарийб 90 минг жуфт резина пойафзал тайёрлаб чиқармоқда. «Свит» маркази қўйилган буюмларнинг жаҳон бозорида донги кетди. 86 мамлакат шу пойафзални харид қилмоқда.

Готвальдовликлар пойафзал саноати учун ишлаб чиқарадиган машиналари билан ҳам машҳурдирлар. Чехословакия ҳар йили резина буюмлар ишлаб чиқарувчи 300 хилдан ошиқ станок, ускуна ва машиналарни 50 дан кўп чет эл давлатга чиқариб сотмоқда.

ПОЛЬША

Польшанинг Замостье шаҳрида янги тикувчилик фабрикаси қурила бошлади. Келаси йили типовой лойиҳа бўйича яна олтига тикувчилик фабрикаси қуриб битказилади.

Янги фабрикалар мавжуд корхоналарнинг филиаллари бўлиб қолади. Шундай қилинса, фабрикалар мустақил корхона бўлганидагига қараганда анча тезроқ лойиҳадаги тўла қувватга эришуви мумкин бўлади.

ЮГОСЛАВИЯ

Югославия далаларида буғдой ўрими охирлаб қолди. Бу йил мамлакатда буғдойдан рекорд ҳосил олинди. Югославия деҳқончилиги тарихида биринчи марта мамлакат галлаҳорлари икки миллион гектар ердан 5 миллион тонна буғдой етиштирдилар. (ТАСС).

КОРЕЯ ОЗОД БЎЛГАН КУНГА 24 ЙИЛ ТЎЛДИ

ПХЕНЬЯН, ТАСС мухбири Б. Кулаевский хабар беради:

Корея япон империализмининг мустамлакачилик зулмидан озод бўлган кунга 24 йил тўлди.

«Нодон синмун» газетаси редакцион мақоласида корейс халқи совет халқи ва Совет Армиясининг япон империализмини тор-мор келтиришдаги хизматларини ҳеч қачон эсдан чиқармайди, деб таъкидлайди. «Бизнинг халқимиз, — деб ёзади газета, — совет халқи билан пролетар интернационализмига асосланган дўстона муносабатларни гоят қадрлайди ва бу муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш учун бутун куч-ғайратини сарф қилади».

Мамлакат озод қилинганидан кейин ўтган 24 йил ичида Корея Халқ Демократик Республикасида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Шаҳар, қишлоқда эксплуатация ва жабр-зулм илдизлари тамомила тугатилди. Мамлакат социалистик негизда индустриалштирилди — аграр давлатга айланди ва миллий экономиканинг мустаҳкам мустақил негизига эгадир. Халқ хўжалиги шу негизга таяниб, тез суръатлар билан ривожланмоқда, аҳолининг турмуши гобора яхшиланмоқда. Фан, маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш ишлари соҳасида катта муваффақиятларга эришилди.

САЙГОНЛИК ЁЛЛОВЧИЛАР

Сайгонлик сиёсатдонлар АҚШнинг ёрдами билан Вьетнам жанжалига унинг қўшинси бўлган Лаосни ҳам тортмоқчи бўляптилар. Улар бу мамлакатни 1962 йилги Женева битими белгиласи бетарафлик ва мустақиллик йўлидан четга буриб юборишмоқчи. Бу соҳада Вьентьяндаги Сайгон элчихонасининг вакиллари «жиддий» иш кўришяпти. Лаос пойтахтида Жанубий вьетнамлик гражданларнинг кўплигидан (20 минг кишига яқин) фойдаланган Сайгон вакиллари бу ерда ўзларининг кўгирчоқ армиялари учун «кўнгиллилар» тўплай бошладилар. Ёлловчилар катта-катта ваъдалар бериб, апрель ойида 15 кишилик «кўнгиллилар» бўлинмасини тузишга муваффақ бўлдилар. Бироқ, уларни Сайгонга жўнатиш пайтига келиб 15 кишидан бори-йўғи 4 киши қолди. Уларни ҳам жуда катта эҳтиётлик билан (тагин булар ҳам қочиб кетмасин!) Жанубий Вьетнамга жўнатишди.

Бирок бундай муваффақиятсизлик ёлловчиларни заррача ҳам ташвишлантирмади. Яқинда Вьентьян газеталарида Сайгонга «кўнгиллиларнинг янги группаси юборилганлиги ҳақида хабар босилди. Бу хабарда урушга кетаётган бешта вьетнамлик ўсмир ҳақида ҳикоя қилинади. Улардан энг каттаси эндигина 19 ёшга чиққан, Бу болалар шунчалик ёш бўлишларига қарамай жуда катта тажрибалари бор. Уларни Вьентьян қамоқхоналарининг назоратчилари жуда яхши билишади. Чунки Вьетнамга юборилаётган бу «кўнгиллилар» ўғирлик ва безориликлари туфайли қамоқхоналарда бир неча бор ётиб чиқишган. Шунинг учун ҳам улар учун барибир: яна турмага тушди нима-ю, урушгани Сайгонга борди нима? Улар иккинчисини танлашди. Сайгон элчихонасидагилар «демократиянинг ҳимоячилари» деб отилиб чиққан бу ўсмирлаони катта тантана билан кузатиб қолишди. Аммо Лаосдаги Жанубий вьетнамлик сиёсий каллакесарларнинг яширин фаолиятлари шу билангина чекланмайди. Уларнинг бошқа ниятлари ҳам бор. Улар ўз армияларига ҳатто лаосликларни ҳам ёлламоқчи бўлишяпти. (АПН).

СЕЙФГАРД ЖАЗАВАСИ

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

Энг сўнгги маълумотларга қараганда, Америка Қўшма Штатлари сенатида ракетага қарши система «Сейфгард»ни амалга ошириш учун маблағ ажратиш масаласи юзасидан ҳукумат арбоблари орасида қизғин тортишувлар бўлиб турибди. Қизиғи шундаки, Пентагон ҳарбийлари АҚШ конгресси билан ҳисоблашмасдан ҳозирнинг ўзидаёқ «Сейфгард» системасини амалга ошириш мақсадида давлат бюджетидан ҳаражат қила бошладилар. Август ойининг дастлабки маълумотларига кўра, Америка ҳарбийлари «Сейфгард» планини амалга ошириш учун, айрим компаниялар билан шартнома ҳам туза бошлаганлар.

Мухбирларнинг саволларига жавоб берганда, Америка Қўшма Штатларининг президенти Никсон: сенаторлардан 50 таси «Сейфгард» системани ёқлаб гапирди, деб айтди. «Сейфгард» программасини амалга ошириш тарафдорлари зўр бериб қуролланиш учун турли ишлар қилмоқдалар, Ҳатто Америка Қўшма Штатлари мудофаа министри Лэйрд икки соат сўзлаган нутқида Совет Иттифоқи Америка Қўшма Штатларига хавф тўгдирмоқда, биринчи бўлиб зарба беришга тайёрланмоқда деган бўҳтон гапларни айтишдан ҳам қайтмади.

Кейинги маълумотларга қараганда, «С—5А» типидаги самолётларни 120 тага етказишга уринишмоқда. Бу самолётларнинг ҳар бири 132,5 тонна ҳарбий техникани қўтаришга ёки тиш-тирноғигача қуролланган 400 аскарни олиб кетиши мумкин. Бу самолётларни ишлаб чиқариш учун 4,5 миллиард доллар талаб қилинади. Чет эл матбуотининг хабар беришича, ҳозир АҚШнинг 1000 та қитъалараро баллистик ракетаси, 656 та «Поларис» ракетаси, 646 та бомбардимончи «В-52» самолётти бўлиб, уларга қараш, жанговар ҳолда сақлаб туриш учун йилига 10 миллиард доллар сарфланмоқда.

Миллионлаб америка меҳнаткашлари, жуда кўп сенаторлар, гоят катта харажатларни талаб қиладиган «Сейфгард» программасига қарши чиқмоқдалар. Ҳатто «Сейфгард» системасига қарши кураш олиб бораётган ҳалоқида комитет ҳам ташкил қилинди. Бу комитетнинг раҳбарларидан Гольдберг ва Гиль Патрик алоҳида роль ўйнамоқдалар. Эдвард Кеннеди, Мондейл, Макгейвер, Фулбрайт каби сенаторлар зўр бериб қуролланишдан иборат бўлган «Сейфгард» системасини қораламоқдалар, АҚШ ҳукумати «Аполлон-11»нинг муваффақиятли учишидан фойдаланиб, «Ой дипломатиясини ишга солиш билан зўр бериб қуролланиш сиёсатига, «Сейфгард» жазаваси билан оғриган империалистик реакцион кучларга қарши мардона кураш олиб борайётган тинчликсевар кучларга таъсир кўрсатишга уринмоқда. Ахир, бу йилги космосни ўрганишга сарф қилинадиган харажат 3,8 миллиард доллар қилиб белгиланган бўлса, ҳарбий ишга сарф қилинадиган харажат 82 миллиард доллар-га етган. Америка империалистлари Вьетнам урушида ойига 3 миллиард доллар сарф қилмоқдалар. «Сейфгард» программаси — зўр бериб қуролланиш программаси бўлиб, меҳнаткашларнинг иқтисодий аҳволини янада оғирлаштирадиган бир офатдир.

А. ОМИЛОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси.

ГРУЗИЯ ССР Малковский районидаги Варцихе қишлоғида яшовчи Нестор Знвзивадзе ҳаваскорлар концерти (ўзбекча).

Рус тилида: 19.05 — Телеянгилиилар, 19.20 — Чкаловни эслаб (ҳужжатли фильм), 19.40 — СССР Ҳаво Флоти кунига бағишланган эшиттириш (ўзбек ва рус тилларида), 20.40 — Кўрсатишлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 20,50 — Телеянгилиилар, 21,05 — Ноз-неъмат бунёдкорлари, 21.40 — Уртоқ Серго (ҳужжатли фильм), 22.10— В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан. П. Турсун. Ўқитувчи (телеспектакль иккинчи қисмининг премьераси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 — Учиш (ҳужжатли фильм), 18.20 — Шаҳримиз озодалиги учун, 18,35 — Мени кутгил (бадиий фильм).

20.00 дан—Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Душанба кўрсатади.

ТОШКЕНТ МЕҲМОНЛАРИ

Патрис Лумумба номидаги халқлар дўстлиги университети хотин-қизлар комитетининг делегацияси Ўзбекистонда ўн кун меҳмон бўлиб турди. Улар Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухорода ва республиканинг бошқа шаҳарларида бўлдилар, бу шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари билан, саноат корхоналари, маданият муассасалари, тарихий ёдгорликлари билан танишдилар. Меҳмонлар Ўзбекистон пойтахтида республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейини томоша қилдилар.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятида делегация аъзолари билан суҳбат ўтказилди.

МАВРИТАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Мавритания ислом республикаси миллат мажлисининг делегацияси 16 августда Ашхободдан Ўзбекистон пойтахтига келди. Бу делегация СССР Олий Совети томонидан Совет Иттифоқига таклиф этилган эди. Миллат мажлисининг депутати, Мажлис котиби Муҳаммад Фал Бабаҳи делегацияга бошчилик қилади.

Тошкент аэропортида делегацияни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. С. Сахибоев, СССР Олий Совети депутати Э. Т. Шайхов, Республика Олий Советининг депутатларидан У. Е. Иброҳимов, Ш. Ниёзов, Р. Р. Юсупов, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ў. А. Рустамов, Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. К. Абдуллаев кутиб олишди.

Делегация аъзолари шу куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси С. Х. Сирожиддинов ҳузурида бўлишди. Қабул вақтида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин ҳозир бўлди.

Меҳмонлар Ўзбекистонда бир неча кун бўладилар. (ЎзТАГ).

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Кўрсатишлар программаси, 10.00 — Гимнастика ҳамма учун (ўзбек тилида).

Рус тилида: 10.20— «Колокольчик» клуби, 10.50 — Боганч (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 12.10 — Қандай дам олмоқдасиз? (Самарқанддан олиб кўрсатилади). 13.10 — Табиат альбомидан бир варақ (телефильм), 13.20 — Мардлик— мангулик («Ёшлик» студияси), 16.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 17,00 — Ухти-Тухти (болалар учун қўғирчоқ фильм), 17.15 — «Ахборот» информацион программаси, 17.45— Канадалик киши (бадиий фильм), 19.15 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 19.20 — Оталар сўзи — ақлнинг кўзи («Ёшлик студияси), 20.20 — «Ахборот» информацион программаси, 20.50— Хоразмнинг шоли далаларида, 21.10 — Қўшиқ ёзувчи шоирлар. Чархий.

22.30 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12,00 дан— Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

22.30 — Ут ичида (ўзбек тилида бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан — Фрунзе кўрсатади.

18 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — Кўрсатишлар программаси, 18.35 — Бадиий ҳаваскорлар концерти (ўзбекча).

Рус тилида: 19.05 — Телеянгилиилар, 19.20 — Чкаловни эслаб (ҳужжатли фильм), 19.40 — СССР Ҳаво Флоти кунига бағишланган эшиттириш (ўзбек ва рус тилларида), 20.40 — Кўрсатишлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 20,50 — Телеянгилиилар, 21,05 — Ноз-неъмат бунёдкорлари, 21.40 — Уртоқ Серго (ҳужжатли фильм), 22.10— В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан. П. Турсун. Ўқитувчи (телеспектакль иккинчи қисмининг премьераси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 — Учиш (ҳужжатли фильм), 18.20 — Шаҳримиз озодалиги учун, 18,35 — Мени кутгил (бадиий фильм).

20.00 дан—Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Душанба кўрсатади.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17|VIII да Мирзо Улуғбек.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/VIII да Қайнона, 18/VIII да Ажаб савдолар, Спектакллар кеч соат 7 яримда бошланади.

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

МИЛЛИОНЛАР МУСОБАҚАСИ

СССР касаба союзларининг Бутуниттифоқ ёзги IX спартакиадаси финал мусобақалари қизғин давом этмоқда. В. И. Ленининг 100 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилаётган мусобақаларнинг финалигача бўлган босқичда қарийб 24 миллиондан зиёд физкультурачилар иштирок этдилар. Шу кунларда мамлакатимизнинг ўн шаҳри — Москва, Ленинград, Киев, Минск, Тбилиси, Рига, Ульяновск, Каунас, Псков ва Ростов—Донда ўтказилаётган финал мусобақаларда 7 мингдан ортиқ спортчи, мингга яқин тренер ва 2,5 минг судья қатнашяпти. Мусобақалар спортнинг 26 тури бўйича ўтказилаётир.

* * *

Ўзбекистон касаба союзларининг ёзги VI спартакиадаси голибларидан иборат 500 га яқин спортчиларимиз ҳозирги кунларда республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилмоқдалар.

* * *

Ленинградда ўтказилган учрашувларда волейболчи аёллар командаси олимпия чемпиони, В. Галушка бошчилигида Белоруссия волейболчиларини 3:1, қирғиз ўйинчиларини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, фақат Ленинград командасидан 2:3 ҳисобида енгилди. Эркаклар командасининг омади келмади. Улар Латвия, Эстония ва Белоруссия волейболчиларидан 3:0 ҳисобда мағлубиятга учрадилар. Аёллар 1-6 ўринлар учун курашиш ҳуқуқини эгалладилар.

* * *

Баскетболчилар мусобақасида эркаклар командаси устун келди. Улар Тожикистон, Арманистон командаларини 87:64, 73,65 ҳисобида енгиб, Украина ва Литва командаларидан 59:45, 73:57 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Волейболчи қизлар ва тожик ўйинчилари устидан 54:40 ҳисобида галаба қилдилар. Пингчилар 1-6 ўрин учун курашда илк галабани қўлга киритдилар. Улар грузин спортчиларини 61:52 ҳисобида енгдилар. Мусобақалар давом этяпти.

«ТАШАВТОМАШ» ПЕШҚАДАМ

Ўрта Осиё «Б» класс зонаси командаларининг иккинчи давра мусобақалари бошланди. Биринчи учрашувда пешқадамлик қилаётган командалар: «Ташавтомаш» — «Химик» (Чирчиқ) 6:3, «Олой» (Ўш) — «Строитель» (Жалолобод) — 3:1 ва «Оқ олтин» (Андижон) — СКА (Тошкент) 2:1 ҳисобда галаба қилдилар. Бу ўйиндан кейин «Ташавтомаш» 38 очко билан биринчи, «Оқ олтин» ва «Олой» 32 очко билан иккинчи, учинчи ўринларни эгалладилар.

ПОЛВОНЛАР КУРАШИ

Пойтахтдаги Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғида Тошкент области полвонларининг мусобақалари ўтказилди. Тўрт кун давом этган бу мусобақада 60 га яқин кучли полвон куч синашди. Умумкоманда ҳисобида юқори чирчиқликлар биринчи, бўкаликлар иккинчи ва Калинин районли курашчилари учинчи ўринларни эгаллади. Шахсий биринчилик учун курашда Х. Муҳсимов, Р. Эшов, Х. Пўлатов (Юқори Чирчиқ), Ш. Қўзибоев, Х. Ваҳобов (Бўка), Н. Тошев (Бўстонлиқ), Қ. Жалолов (Калинин районли), Ж. Нишоналиев (Янгиўл)ликлар чемпион номини қўлга киритдилар. Область терма командаси 16-17 августда Қўқонда фарғонача усулда, Хивада бухороча усулда республика биринчилиги учун беллашадилар.

ДИНАМОЧИЛАР МУСОБАҚАДА

Воронеж шаҳрида ўтказилган «Динамо» жамиятлари спортчиларининг Бутуниттифоқ ёзги VIII спартакиадаси мусобақалари ниҳоясига етди. Бунда волейболчиларимиз Эстония ҳамда қозоқ спортчилари устидан 3:2, 3:0 ҳисобида галаба қилиб, 8 команда ўртасида тўртинчи ўринни эгалладилар.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

Яқинда физкультура ва спорт бўйича Тошкент область комитети доҳиймиз Ленин юбилейига бағишлаб кўпкунлик велосипед пойгаси ўтказди. Велосипедчилар 510 километрли масофани ўтиб, Олмалиқда белгиланган маррага етиб келдилар. Бунда биринчи, иккинчи ўринни чирчиқлик ва олмалиқлик спортчилар эгаллашди. Шахсий биринчиликни чирчиқлик велосипедчи Э. Геттих (10 соату 57,26 секунд) қўлга киритди.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216, Халқаро ҳаёт — 337694, Коммунистик тарбия — 331455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036, 337221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва хатлар —338679, 333553, Иллюстрация —334524, Стенографистка — 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 333142, Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон —48—85, Бухоро 43—141, Қарши 22—82, Наманган 21—88, Нукус 40—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ Б. — 191. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633 Р. 01655.